



O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 12-sentabr. Shanba • 108 (32.011)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Ижтимоий соҳа қандай молиялаштирилмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси Давлат бюджетининг жорий йил дастлабки олти ойлик ижросини кўриб чиқаётганда бу масалага алоҳида эътибор қаратди

2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат бюджетининг даромадлари 17054,8 миллиард сўмни, харажатлари эса 16934,9 миллиард сўмни ташкил этиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилган.



Ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, жумладан, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш тадбирларини молиялаштиришга 1,0 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Бу маблағ асосан 14 ёшгача боласи бор оилалар, боласи 2 ёшга тўлгунча қадар ишламайдиган оналарга нафақа, кам даромадли оилаларга моддий ёрдам, бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа ҳамда алоҳида то-

ифдаги фуқароларга уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар ўрнига компенсация тўловлари учун сарфланган.

Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси кўриб чиқилиб, ижтимоий соҳани молиялаштириш билан боғлиқ маълумотлар батафсил тақдим этилди.

➤ Давоми 2-бетда.

! БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?

— Электорат манфаатларини ҳимоя қилишда, партиянинг жамиятдаги нуфузини оширишда маҳаллий кенгашларда ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарининг аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз?

Мурожаатлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш учун кўпроқ нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз?

Бўрибой БҲОҲОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Сиёсий партиялар ўз электорати манфаатини ҳимоя қилиш учун турли имкониятлардан фойдаланади. Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари бу борада самарали восита ҳисобланади. Бу тузилма олдида аҳоли орасида учраётган ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳуқуқий ва бошқа масалага кўмак кўрсатиш, электорат ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига партия бошланғич ташкилотлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари, партия гуруҳлари эътиборини қўйиш вази-фалари қўйилган.

Мурожаатларда кўтарилган масалаларни ўрганиш ва ҳамкор ташкилотлар кўмагида ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиянинг сайланган депутатлар фаол иштирок этмоқда. Аксарият Жамоатчилик қабулхоналари ҳузурида маслаҳатхоналар ташкил этилган фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, уларни ўйлантирган масалалар бўйича малакали жавоб беришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари қошида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналарига жорий йилнинг шу даврига қадар 350 дан ортиқ мурожаат тушган бўлиб, улар ҳамкор ташкилотлар ва депутатлар кўмагида ижобий ҳал этилмоқда. Айрим-айрим ҳуқуқий маслаҳатлар берилган.

Тахлиллар кўрсатишича, мурожаатларнинг аксарияти ижтимоий масалаларни ўз ичига олган. Мисол учун, электорат вакиллари кўпроқ коммунал соҳа, иш билан таъминлаш, нафақа ва пенсияларнинг ўз вақтида берилиши, тиббий хизмат сифатини яхшилаш масалалари бўйича мурожаат қилинган. Шунингдек, айрим ҳудудларда оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш, таъмин, имтиёзлик кредит олиш ва бошқа масалаларда мурожаат бўлган.

Жамоатчилик қабулхоналарининг моддий-техник базасини яхшилаш, интернет орқали қабулхона ташкил этиш ва электрон мурожаатлар қабул қилишга ўтиш, намунали Жамоатчилик қабулхоналари тажрибасини оммалаштириш, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимизнинг ўз сайлов округларидаги Жамоатчилик қабулхоналари билан алоқасини мунтазам йўлга қўйиш керак.

Буларнинг барчаси мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади. Айтайлик, фуқаролар қабулхонага ташриф бўрмай, вақтини тежаб, мурожаатини иш жойидан ва уйдан туриб узатиш имконига эга бўлади. Бундай усул электорат вакиллари янада қўлайлик яратди, жамоатчилик қабулхонасига қизиқишини оширади, деб ўйлайман.

■ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

ЖАМИЯТДА АЁЛЛАР ФАОЛЛИГИ

Ўзбекистон тажрибаси мисолида

Самарқандда «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизлар роли: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.



Мазкур анжуман Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан «БМТ — хотин-қизлар» тузилмасининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларидаги минтақавий бюроси, Германиянинг халқаро ҳамкорлик бўйича омонат касалари жамғармаси, Ф.Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

➤ Давоми 2-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси бўйича ўтказиладиган парламент эшитувига тайёргарлик кўрмоқда.

2015 йилнинг дастлабки 6 ойи давомида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасида ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан ўтказилган 6 сиёсий машғулотда жами 720 нафар тингловчи қатнашди.

■ САВОЛ-ЖАВОБ

Наргиза МАДРАҲИМОВА, Наманган вилоятидан:

— Бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолияти жонлибди, депутатларга ишонч ортиб бормоқда. Яқинда бир танишим ЎзХДП жамоатчилиги қабулхонасига мурожаат қилган эди. Депутат

сўрови билан масала ҳал этилишини маълум қилишибди. Менга депутат сўрови ҳақида кенгроқ тушунча берсангиз. Депутат сўрови нима дегани, унинг ҳуқуқий мақоми қандай?

Садоқат АХМАНОВА, Яшнобод тумани 10-сон нотариал идораси нотариуси:

— Депутат сўрови ҳақида «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунда белгиланган. Яъни, депутат тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан депутат сўрови юборишга ҳақли. Соддароқ қилиб айтганда, фуқаролар томонидан депутатга қилинган мурожаат, депутатлар томонидан ўрганилган масала бўйича депутат сўрови юборилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатга мазкур сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юборишлари лозим.


Қонунга кўра, судларнинг раисларига, прокурорларга, суриштирув ва тергов органларининг раҳбарларига йўлланган депутат сўрови уларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ҳамда материалларга тааллуқли бўлмаслиги керак.

Депутатлар томонидан юборилган сўровлар бўйича ахборот тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида муҳокама қилиниши мумкин.

2015 йилнинг биринчи ярмида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 441,8 минг нафардан ортиқ фуқаронинг бандлиги таъминланган. Яратилган иш ўринларининг 274,9 мингтаси, яъни 62,2 фоиз кишлоқ жойларига тўғри келади.

ЎзХДП аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши сифатида меҳнатга лаёқатли, аммо иш билан банд бўлмаган аҳолини муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш тарафдори.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Сиёсий партияга билдирилган ишонч унинг етакчилари ва депутатлари зиммасига қатта масъулият юклайди



■ Сайловчи депутат ҳақида нима дейди?

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Ижтимоий соҳа қандай молиялаштирилмоқда?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси Давлат бюджетининг жорий йил дастлабки олти ойлик ижросини кўриб чиқаётганда бу масалага алоҳида эътибор қаратди

Фракция йиғилишида кун тартибдаги масала бўйича Молия вазирлиги раҳбари Мубин МИРЗАЕВ ахборот берди.

Қайд этилишича, 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини тизимли равишда амалга ошириш учун макроиктисодий барқарорлик ҳамда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар қабул қилинган ва уларнинг ижроси таъминланмоқда.

Натижада жорий йилнинг ярим йиллик якуни бўйича ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этган. Санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари 6,5, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш 13,5, чакана савдо 14,8 ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси 13,1 фоизга ўсган.

Иқтисодиётда 1,5 миллион долларлик инвестицион лойиҳаларни ўзлаштириш ҳамда 1866 янги корхона ишга тушириш ҳисобига экспорт ҳажми ошиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,4 фоизга ортган.

Болаликдан ногиронлар учун бериладиган нафақаларга Давлат бюджетидан қарийб 298 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ижтимоий кўмакка муҳтож қариялар ва ногиронларнинг ижтимоий таъминоти билан боғлиқ харажатларга 64 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Фракция аъзолари Давлат бюджетининг

Давлат. Бошланғич 1-бетда.

ижтимоий йўналтирилганлиги мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя кафолатларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Йиғилишда, шунингдек, маҳаллий бюджетлар даромадлари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш, уларни сарф этиш билан боғлиқ масалалар ҳам аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини



Бунёдjon ЭШОНКУЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Фракциямиз Давлат бюджетининг жорий йил дастлабки олти ойлик ижросини кўриб чиқаётганда бу масалага алоҳида эътибор қаратди

мадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини

Айтиш керакки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида белгиланган вазифаларга мос келади. Шунинг учун фракциямиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.



Самтор РАХМАТОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Давлат бюджетининг ижросида соғлиқни сақлаш соҳасини ўз вақтида ва самарали молиялаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилган. Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасига жами 2,3 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилган. Агар таққосласак, соғлиқни сақлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми йилдан-йилга ошаётганига гувоҳ бўламиз. Масалан, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,3 фоизга кўпдир.

Айтиш керакки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида белгиланган вазифаларга мос келади. Шунинг учун фракциямиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

қайд этади. Жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари изчил ва тизимли асосда давом эттирилаётганини муҳим, деб билади.

Маълум бўлишича, 2015 йилнинг биринчи ярмида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 441,8 минг нафардан ортиқ фуқаро бандлиги таъминланган. Яратилган иш

ўринларининг 274,9 мингтаси, яъни 62,2 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Бу борадаги ислохотлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига ҳамроҳ бўлиб, партия-миз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар рўёбга чиқишида муҳим ўрин тутди.



Зулайхо АКРАМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Ҳаммамизга маълум, Давлат бюджет даромадларининг тўлиқ шаклланиши, харажатлар тўғри йўналтирилиши аҳолининг турмуш фаровонлиги ортишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис бюджет ижросига масъулият билан ёндашиш ҳар биримизнинг муҳим вазифамиздир.

Фракциямиз Давлат бюджетининг ижросига оид ҳисоботда бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларининг сарфи тўғрисида, мактабга таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ҳақида, шунингдек, ногирон, имконияти чекланган фуқароларнинг таълим олиши, зарур махсус ада-

биёт ва қўлланмалар, жиҳозлар билан таъминлашни бўйича алоҳида маълумотлар акс эттириш керак, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, биз кам таъминланган оилаларга берилаётган ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши бўйича назоратни кучайтириш, бунинг натижасини ўтган йиллар якунларига нисбатан таққослаш ва таҳлилий маълумотлар тайёрлаш тақлифини ҳам билдираемиз.

Маъмур тақлифларнинг амалга ошиши партиямиз дастурий мақсадлари рўёбга чиқишида, электоратимиз манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этади, деб уйлаймиз...

Йиғилиш якунида ЎзХДП фракцияси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллик якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, манфаатдор вазирлиқ ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро жамоат ташкилотлари вакиллари, Германия, Италия, Хитой, АҚШ ва бошқа давлатлардан экспертлар, журналистлар иштирок этди.

Жамиятда аёллар фаоллиги

Ўзбекистон тажрибаси мисолида

Конференция қатнашчилари дастлаб Самарқанд енгил санаят касб-хунари коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш штаби, Самарқанддаги 21-умумтаълим мактабининг «Ораст қизлар» тўғраги фаолияти билан танишди. Шунингдек, Зулфия номидagi Давлат мукофоти совриндорлари, халқаро танловлар, математика, кимё, чет тиллари бўйича фан олимпиадаларида совринли ўринларни эгаллаган ёшлар билан учрашди, Самарқанд шаҳридаги Чашма маҳалласида бўлди.



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятда хотин-қизларнинг роли ва нуфузини ошириш, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган қонунчилик базаси шакллантирилди.

Бундай ўзига хос модель ва унинг амалиёти бир қатор давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг эътиборини ўзига тортмоқда. Ижтимоий масалаларни ҳал этишда маъмур сектор вакилларининг ҳуқуқат ва давлат органлари билан ўзаро ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлиги ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Конференцияда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимиятининг вакили ва бошқа органларига сайловларда улар иштирокни кенгайтириш борасида Ўзбекистон тажрибаси афрофлика муҳокама қилинди. Сайлов тизимида сиёсий партиялардан депутатликка номзод бўлган хотин-қизлар учун қонунчилик квотаси 30 фоизгача оширилгани уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятини янада кенгайтиргани таъкидланди.

Олий Мажлис Сенати аъзоларининг 17 фоизини, Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизини, ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг 25 фоизини аёллар ташкил этади. 1997 йилдан буён 14 нафар аёл аёл Ватанамизнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонига сазовор бўлди.

— Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида эришилаётган ютуқлар мени ҳайратда қолдирди, — дейди Шанхай аёллар федерациясининг хотин-қизлар ишлари бўйича департаменти директори Гу Сюжун. — Истеъдодли қизлар учун Давлат мукофоти таъсис этилгани ўзига хос ноёб тажрибадир. Бу бизда катта қизиқиш уйғотди. Касб-хунари коллежларида тахсил олаётган қизларнинг хунари ўрганиши учун яратилган шарт-шароитлар, айниқса, бизга жуда маъқул бўлди. Биз бу борада амалга оширилаётган ишлардан ўрнак олсак арзийди.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга, айниқса, ёшларга ҳар томонлама эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлдим, — дейди Германиянинг Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармаси департаменти эксперти Наташа Мундигер. — Бу борада Ўзбекистоннинг ижобий тажрибасини ўрганиш, тегишли фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш тажрибасини кенг жорий этиш зарур, деб ҳисоблайман.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхнова иштирок этди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Давлат. Бошланғич 1-бетда.

■ ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент комиссияси аъзолари, Экоҳаракат фаоллари ҳамда соҳага алоқадор вазирлик, идора ва ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

АТРОФ-МУҲИТ МУҲОFAZACI — аҳоли саломатлигининг муҳим омилли

Йиғилишда Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг 2014 йил ва 2015 йилнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган ҳисоботи эшитилди. Таъкидландики, атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик ҳолатни соғломлаштириш ишида жамоатчилик иштирокини кучайтиришга қаратилган дастурий вазифалар амалга оширилган. Шу мақсадда ўтган йили 300 дан ортиқ, жорий йилнинг 6 ойида эса 200 дан зиёд тадбир ўтказилган.

Шу билан бир қаторда, ҳисобот даврида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам жиддий эътибор қаратилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари томонидан қатор назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган, фуқароларнинг бу йўналишдаги мурожаатлари маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоатчилик ташкилотлари жалб қилинган ҳолда ўрганилиб, ҳал этилган.

Шунингдек, йиғилишда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил этилди. Йиғилиш якунида билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК

алоқаларини яхшилаш масаласи муҳокама қилинди

Парламентда мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ муҳим қонунлар қабул қилинмоқда. Аммо бу орқали ҳаётимизда нима ўзгаришлар бўлди, қонунлар тараққиётга қандай таъсир кўрсатмоқда, деган саволларга ҳар доим ҳам етарли эътибор қаратилмайди. Шунинг учун парламент ва жамоатчилик алоқаларини такомиллаштириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ўтказган давра суҳбатига шу ҳусусда сўз борди.

Унда депутатлар, олимлар, малакали мутахассислар, масс-медиа соҳаси ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қайд этилдики, экспертлар ва кенг жамоатчилик билан фаол ахборот алмашиш механизмининг ўрнатилиши парламент фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Жорий йил 23 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўша мажлисида Президентимиз бу масалага алоҳида тўхталиб, қабул қилинаётган қонунлар одамлар ҳаётига, сиёсий, иқтисодий тараққиётга қандай таъсир кўрсатаётгани ҳақида жойлардан келиб турадиган, парламентга ўз фаолиятини янада такомиллаштириш имконини берадиган ахборот алмашиш механизми деярли ишламаётганини таъкидлаб ўтган эди.

Давра суҳбати ташкил этилгунга қадар депутатлар ва ахборот соҳасининг етакчи мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан бу масалада таҳлилий ва ташкилий ишлар олиб борилган. Халқаро тажриба, бир қатор мамлакатлар парламентларининг жамоатчилик билан ахборот алмашишдаги замонавий усуллари ўрганилди. Иштирокчилар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини парламент фаолиятига кенг татбиқ этиш жамоатчилик билан алоқаларнинг қўламли ва самарадорлигини оширишга хизмат қилишни таъкидлашди. Бугунги кунда фуқаролар Қонунчилик палатасининг расмий сайтидаги те-

гишли хизматдан фойдаланган ҳолда, парламент депутатларига мурожаат этиши мумкин. Шунингдек, бу сайтда фойдаланувчилар учун қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, тақлиф ва тавсиялар билдириш, уларнинг жамланмаси билан танишиш имконияти яратилган.

— Қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, уларнинг амалда татбиқ этилиш ҳолатини баҳолаш, назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда ахборот алмашиш механизмининг такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўмон АҚБАРОВ. — Парламент ва жамоатчилик ўртасида ахборот алмашиш механизмининг кучайтириш орқали қонунларни қабул қилиш жараёни, умуман, парламент фаолияти билан аҳолини кенг таништириб бориш, мамлакатдаги муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишлаб парламентда уюштирилаётган муҳокамалар орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш имкони ортади.

Давра суҳбатига парламентнинг ахборот алмашиш механизмининг такомиллаштиришга оид бир қатор тақлифлар билдирилди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ Аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган дастурларнинг ижтимоий аҳамиятини кенг тарғиб этиш, бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш долзарб масала.



■ Бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, айниқса, касб-хунари коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ ишга жойлаштириш партиямизнинг устувор вазифаларидан биридир.

■ ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

Буюк Британия:

Сўнгги парламент сайловида аҳоли қандай ғояларни қўллаб-қувватлади?

Дунёда парламент фаолиятининг такомиллашуви, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаши қабул қилинаётган қонунларнинг одамлар ҳаётига бевосита таъсир ўтказиши, жамиятни янада эркинлаштиришда, фуқароларнинг тинч, хотиржам ва фаровон яшашида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу Европанинг ривожланган давлатларидан бири — Буюк Британиядаги сиёсий жараёнлар мисолида ҳам намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу мамлакатда сиёсий партиялар ва парламент давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида ҳал қилувчи ўринга эга. Буни 2015 йил 7 май кuni бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳам кўрсатиб берди. Сайловда аҳолининг асосий қисми фаол иштирок этди.

Ҳозирда Буюк Британияда ўндан ортқ сиёсий партия фаолият олиб бормоқда. Уларнинг фақатгина икkitаси — консерваторлар ва лейбористлар энг йирик партиядир. Сайлов натижалари ҳам бунини яна бир бор исботлади.

Сайлов якунларига кўра, парламент кўйи палатасида энг кўп ўринни консерваторлар эгаллади ва етакчилик мавқеини сақлаб қолди. Сайловдан олдин ўтказилган сўров натижалари, Лейбористлар партияси ўз мавқеини бой бераётгани, ушбу

сиёсий кучни аҳолининг бор-йўғи 29 фоизига қўллаб-қувватлаётганини кўрсатди. Мазкур таҳлилга кўра, консерваторларни 32 фоиз фуқаро ёқлагани маълум бўлди.

Сайлов якунида эса консерваторлар 11 миллион уч юз мингдан кўпроқ аҳолининг қўллаб-қувватлашига эришиб, парламент кўйи палатасида 331 депутатлик ўринини эгаллади.

Мазкур сиёсий партия 1834 йилда ташкил этилган. Шундан кейин консерваторлар мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Консерваторлар XX аср бошларидан эътиборан Буюк Британия сиёсий майдонида асосан Лейбористлар партияси билан рақобатлашади.

Ўтган асрда салкам олтимиш йил давомида Буюк Британия Бош вазирини Консерваторлар партиясидан сайланган. Айнан консерваторлар етакчиси бўлган Уинстон Черчилль ҳамда Маргарет Тэтчер узоқ йиллар давомида ҳукумати бошқариб келди.

Тэтчер даврида кенг қўлланма иқтисодий ислохотлар ўтказилиб, мамлакатдаги энг етакчи сиёсий партия мақоми янада мустаҳкамланди.

Бу етакчилик XXI аср бошида ҳам давом этмоқда. Яъни 2010 йилда ўтказилган парламент сайловларида Дэвид Кэмерон бошчилигидаги партия кўйи палатада 307 депутатлик ўринини банд этди.

2014 йилда Европарламентга бўлган сайловларда консерваторлар 19 ўринга эга бўлди. Ҳозирда улар Европарламентда ҳам ўз ғояларини ҳимоя қилмоқда.

Партиянинг расмий ранги — кўк ва яшил ҳисобланади. Шунингдек, партиянинг мадҳияси ҳам мавжуд.

Буюк Британиядаги яна бир етакчи сиёсий кучлардан бири — Лейбористлар партияси ҳисобланади. 1900 йилда ташкил этилган партия, 1906 йилда «Лейбористлар партияси» номи олади. Лейбористлар 1918 йилда ўзининг энг йирик ва узоқ муддатга мўлжалланган дастурини қабул қилади. Партиянинг ҳозирги кундаги сиёсатида ҳам мазкур дастурнинг айрим жиҳатлари сақланиб қолган.

Социал-демократия ғояларини илгари сурадиган мазкур партия жорий йилдаги сайлов натижаларига кўра, парламент

кўйи палатасида 232, Лордлар палатасида эса 212 депутатлик ўринини банд этди. Европарламентга бўлган сайловда эса 20 депутатлик мандати эга бўлди.

Ҳозирда партия янги ривожланиш босқичида турибди. Сайловдаги муваффақиятсизликдан сўнг жорий йилнинг 8 майида партия етакчиси Эда Милибэнда ўз ўринини Гарриет Гарманга бўшатиб берди.

Лейбористлар партияси Буюк Британияда катта обрўга эга сиёсий бирлашмадир.

Ишчи партиясининг асосий ғояси социал-демократия ҳисобланади.

Аммо йилдан-йилга партия йўналиши ҳам замонавий талабларга қараб ўзгариб, ривожланиб бормоқда.



Лейбористларнинг Сайлов олди дастурида ижтимоий бирдамлик, иқтисодий ислох қилиш, бойлар ва камбағаллар ўртасида ўзаро тенгликни таъминлаш, ишчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчликни мустаҳкамлаш, шунингдек, бепул тиббий хизмат ва таълим тизимини ривожлантириш каби долзарб масалалар ўрин эгаллаган.

Сўнгги пайтларда партия ғояларида «капиталистик ишчи партияси»га хос бўлган қарашлар намоён бўлмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш, мигрантлар масалаларини ҳал этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Партиянинг мамлакатдаги

етақчилик даври 1997 ва 2001 йиллардаги сайловларда намоён бўлган. Ушанда партия парламентдаги етакчи мавқега эга бўлиб, Бош вазирликка ўз номзодини қўйган эди.

Сайлов натижаларига кўра, парламент кўйи палатасида 56 депутатлик ўринини эгаллаб, учинчи натижани қайд этган — Шотландия миллий партияси ҳисобланади. Миллий анъана ва қадриятлар тарафдори бўлган мазкур партия Шотландия парламентидаги энг йирик сиёсий куч ҳисобланади. Сайловолди жараёнида олиб борилган ўрганишга кўра, партиянинг 100 минг нафардан ортқ аъзоси мавжуд.

Буюк Британиядаги сиёсий партияларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, уларнинг ғоялари бир-биридан тубдан фарқ қилмайди. Аксинча, бир-бирини тўлдириб, барча соҳаларнинг бирдай ривожланишига замин ҳозирлайди. Бу каби хусусиятни ривожланган демократик давлатлардаги бошқа сиёсий партиялар фаолиятида ҳам кўрамай.

Бундан келиб чиқадики, сиёсий партия мамлакатнинг тараққиёт стратегиясини такомиллаштириш учун ўз қарашларини, ғоя ва мафқурасини кучайтириб, янгилаб бориши лозим.

Нурали ОРИПОВ

■ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

«Соғлом авлод учун» хайрия фонди халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда бемор болалар соғломлигини тиклаш мақсадида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ўпан тўрт йил мобайнида «JCI-Korea» халқаро ёшлар ташкилоти ҳомийлигида бир неча ўнлаб болалар соғломлаштирилди.

Соғлом болалик учун



Кунини кеча тиббий кўрик натижаларига кўра, яна бир гурӯҳ болалар Тошкент халқаро аэропортидан Корея Республикасининг нуфузли клиникаларида даволаниш учун кузатувчилар ҳамроҳлигида жўнаб кетишди.

Мазкур лойиҳа доирасида Германиянинг «Friedensdorf International» халқаро ташкилоти, Корея Республикасининг Пундан Ча, Ин Ха университети госпиталларида туғма юрак нуқсонини, терининг куйишдан кейинги асоратлари, туғма қўл-оёқ бўғинлари ва бошқа касалликларни бор болалар бепул соғломлаштирилмоқда. 2015 йилнинг май ойида Ча университети қошидаги Пундан Ча госпитали шифокорлари томонидан Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида туғма юрак нуқсонини бўлган бемор болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, соғломлаштирилди.

Шунингдек, юрак нуқсонлари билан туғилган болаларни соғломлаштириш дастурига кўра, 2011 йилда «Save the Children» халқаро ташкилоти билан Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан битим имзоланган эди. Ўтган йиллар мобайнида «Save the Children» халқаро ташкилоти ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамкорлиги асосида Тошкент педиатрия тиббиёт институтини кардиохирургия клиникасига жарроҳлик амалиётлари ўтказиш учун 200 га яқин оксигенатор ва бўғловчи қисмлар берилди. Мазкур клиникада туғма юрак нуқсонини бор болалар фонд ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тузилган рўйхатга мувофиқ, хайрия йўли билан жарроҳлик амалиёти орқали соғломлаштирилди.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси

реконструкция қилиниши режалаштирилган кўйидаги объектни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шартин билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишининг эълон қилиниши

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚСиз	Буюртмачи бошланғич нархи ҚҚС билан	Қурилиш муддати
1.	Самарқанд вилоти, Пайарик туманидаги «Ал-Бухорий» мажмуасининг реконструкция қилиш	4 430 929 409 сўм	5 317 115 291 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари давлат бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилоти қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилоти ҳокимлиги Инжиниринг компанияси.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, телефон: (0366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан

пудрат ташкилотини танлаш фақат давлат реестрига кирган ташкилотлар ўртасида амалга оширилади.

Талабдор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар кўйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларнинг беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш

юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қўйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга

бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоти қурилишда танлов савдолари ва нархларини шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: **Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел. 231-13-51, факс. 233-32-00.**

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш кунини ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, мабуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қўйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилот ҳокимлиги Инжиниринг компанияси биносидан соат 10-00 да ўтказилади.

■ ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳамда Хитой давлат тараққиёт банки ўртасида ҳамкорлик истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик истиқболларига бағишланди

Тадбирда ҳар иккала банк департаментлари, «ХДТБ-лизинг» компанияси ва «Ўзбек Лизинг Интернейшл» акциядорлик жамияти раҳбар-ҳодимлари, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда Хитой давлат тараққиёт банкининг амалиёти ва концепцияси, халқаро молиявий ҳамкорликлари доирасида кредит линияларини тақдим этиш, Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида Миллий банкнинг роли сингари мавзулар кўтарилди.

Бугунга қадар Миллий банк ва ХДТБ ўртасида 5 кредит линияси орқали ҳамкорлик муносабатлари олиб боришмоқда.

Алишер РҲИЗЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЭЪЛОН

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий сармоядорлар диққатига!

«Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори 2-илловасига мувофиқ қўшимча эмиссия акцияларининг биржадан ташқари очик савдоларига тақлиф этилади.

Акциялар «ELIS-SAVDO» АЖнинг биржадан ташқари очик савдолари орқали бир донаси 10 500 сўмдан сотувга қўйилган. Сотувга қўйилган акцияларнинг жами сони 1 009 457 дона (Устав фонднинг 45,26 фоизини) ташкил этмоқда.

Шошилинч, имкониятни қўлдан бой берман! Мурожаат учун: «ELIS-SAVDO» АЖ (+99871) 236-21-82, e-mail: elisavdo@mail.ru, www.elisavdo.uz «Toshkent qishloq xo'jalik mahsulotlari ulgurji bozori» АЖ (+99871) 295-96-52.

Гувоҳнома №1226. Хизматлар лицензияланган.



■ БОКС БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЎСМИРЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИНИНГ ЕТТИ НАФАР АЪЗОСИ РОССИЯНИНГ САНКТ-ПЕТЕРБУРГ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЯРИМ ФИНАЛИГА ЧИҚДИ.



■ «НАВОИЙ» ЭРКИН ИНДУСТРИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ЗОНАСИДА ЖАНУБИЙ КОРЕЯ, ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ, АҚШ, ГЕРМАНИЯ, ИТАЛИЯ, ҲИНДИСТОН, СИНГАПУР, БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ КАБИ ДАВЛАТЛАР ИШТИРОКИДА УМУМИЙ ҚИЙМАТИ 100 МИЛЛИОН ДОЛЛАРДАН ЗИЁД ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Республика Онкология илмий марказида Япония ҳукуматининг «Кичик миқёсли ижтимоий лойиҳаларга бегараз ёрдам» дастури доирасида тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Унда Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Фумихико Като, элчихона маслаҳатчилари, Туркиядаги «Fuji Film» компаниясининг минтақавий менежери жаноб Йосуке Фужита, мазкур компаниянинг эндоскопик тизимлар бўйича минтақавий менежери жаноб Шафақ Ченик, Ўзбекистон томонидан Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Асилбек Худаяров, Онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов ва бошқалар иштирок этди.

Мазкур дастурга кўра,

Япония ҳукумати Ўзбекистондаги касалхоналар, мактаблар ҳамда бошқа нодавлат ва ношароит ташкилотларга ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда бегараз ёрдам кўрсатади. Ўзбекистонда ўтган йиллар мобайнида 340 дан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

«Республика онкология илмий марказини тиббий ускуналар билан таъминлаш» лойиҳаси бўйича 2015 йил 11 мартда икки томонлама имзоланган грант шартномага кўра, марказ «Fuji Film» компаниясининг энг замонавий тиббий ускуналари билан таъминланди.



— Япония ҳукумати томонидан амалга оширилган лойиҳалар ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият қаратилади, — деди Япониянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Фумихико Като. — «Fuji Film» компанияси ўзининг оптик ускуналари ҳамда фото-видео қурилмалари, юқори сифатли тиббий ускуналари билан дунёга машҳурдир. Ушбу лойиҳа ана шундай замонавий ускуналарнинг Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалишига туртки бўлади, деб умид қиламан. Бу она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда ва турли касалликларнинг олдиндан аниқлашда ижобий натижа беради.


— Лойиҳа доирасида бир қатор хайрият ишлар қилинмоқда, — дейди Онкология илмий маркази директори Саримбек Наврўзов. — Натижада Республикадаги тиббиёт муассасалари энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Бугунги кунда кўрак саратони касаллиги нафақат бизда, балки бутун дунёда ҳам жуда катта муаммога айланган. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши эса ушбу касалликни эрта аниқлаш ва олдини олишга замин яратди. Ана шу йўналишда ўзининг бегараз ёрдамини кўрсатган ҳамкорларимизга миннатдорчилик билдираман.

Ўз мухбиримиз.

ХУШХАБАРЛАР

Шу кунларда Лас-Вегас (АҚШ)да юнон-рум, эркин ва аёллар кураши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати қизгин давом этмоқда. Келаси йили Рио-де-Жанейро (Бразилия) шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмалар берувчи мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг бир юз саксонга яқин давлати спортчилари голиблик учун гиламга чиқишяпти.

Рио-де-Жанейрога икки йўлланма



Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси Батбуот хизматининг билдиришича, жаҳон чемпионатининг юнон-рум кураши беллашувларида ҳамюртимиз Рустам Аскалов (85 кг) соғирдорлар қаторидан жой олди. Мохир спортчимиз мусобақада франциялик жаҳон чемпиони Мелонин Хумончини, австриялик Амер Хрустановични, эронлик Ҳабибулло Жомеҳ Аҳлагийни, ярим финалда финляндиялик Рами Антеро Хьетаниени мағлубиятга учратиб, финалга йўлланмани кўлга киритди. Ҳал қилувчи беллашувада Аскаловга бироз омад етишмади ва у украинлик Жан Беленюкка

имкониятни бой берди.

Рустам Аскалов жаҳон чемпионатининг кумуш медали ва 2016 йили Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини кўлга киритди. Жаҳон чемпионати нозомига кўра, унда 1-6 ўринларни эгаллаган полонлар ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мусобақада эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Александр Недорезов ҳамда Убайдулла Тоировлар мураббийлигида гиламга чиқишмоқда. Жаҳон чемпионатида юртимиз

шарафини Маҳмуджон Шавкатов (57 кг), Иштиёр Наврўзов (65 кг), Бекзод Абдурахмонов (70 кг), Рашид Курбонов (74 кг), Умиджон Исмаилов (86 кг)лар ҳимоя қилишяпти.

Кувонарлиси, эркин кураш беллашувларининг дастлабки кунги ҳамюртларимиз учун муваффақиятли кечди. Унда истеъдодли полонимиз Иштиёр Наврўзов (65 кг) Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. У саралаш баҳсларида Намибия, Украина, Мўғлистон вакиллари билан, ярим финалгача чиқди. Финал йўлланмаси учун кечган беллашувада Иштиёр 2014 йилги жаҳон чемпиони Сослан Рамонов (Россия)ни мағлубиятга учратди. Ҳал қилувчи учрашувада Наврўзов италиялик Фрак Чамизо Маркезига очколар ҳисобида кичик фарқ (3:4) билан ютқазди ва кумуш медал билан қийоғланди. Бу натижа эса Иштиёрга келгуси йили Рио-де-Жанейрода бўладиган ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасини тақдим этди.

Шундай қилиб, полонларимизнинг ҳозиргача кўлга киритган йўлланмалари сони иккитага етди. Мусобақалар давом этмоқда.

Еттита медаль

Енгил атлетика бўйича ўтказилган Таиланд очик чемпионатида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси асосан ёш, умидли спортчилар билан иштирок этганига қарамай, учта олтин, учта кумуш ва битта бронза медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг бандликларида сакраш баҳсларида Темур Раҳматуллаев 2 м. 13 см. натижа кўрсатиб, олтин медал билан тақдирланди. Темур голибликни кўлга киритиш билан бирга спорт устаси талабини ҳам бажарди.

Қизлар ўртасида бандликларида сакраш бўйича Александр Юркевская (1 м. 75 см.) шохсуланинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, яна бир ҳамюртимиз Сафина Саъдуллаева эса (1 м. 65 см.) иккинчи ўринни эгаллади.

Ядро улоқтириш баҳсларида ҳамюртимиз Сергей Дементьевга тенг келадигани топилмади — 18 метру 63 сантиметр.



Уч хатлаб сакраш бўйича Иван Денисов (15 м. 71 см.) кумуш, Андрей Резниченко (15 м. 67 см.) бронза медалига муносиб топилди.

200 метр масофага югуриш баҳсларида ҳамюртимиз Диана Аглиуллина иккинчи ўринни эгаллади — 24,29 сония.

Эркин ХОЛБОВО,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



2015 йил 17-19 сентябрь кунлари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, «Камолот» ЕИХ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамкорлигида мамлакатимизда «Соғлом ва маънавий етук авлод — юрт келажаги!» шiori остида

«БОЛАЛАР КИТОБИ» II РЕСПУБЛИКА ФЕСТИВАЛИ ўтказилди. Мазкур фестивалнинг асосий мақсади:

— мустақиллик йилларида болалар адабиётини ривожлантириш, фарзандларимиз маънавиятини юксалтириш, қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуғлашга давлат даражасида берилаётган эътиборни кенг жамоатчиликка етказиш;

— ўсиб келаётган авлоднинг миллий мустақиллик гоялари ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, интеллектуал ривожланган ва маънавий баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва

Болалар китоб байрами



аҳамиятини янада кенгайтириш; — болалар учун мўлжалланган ижтимоий-бадий жиҳатдан етук адабиётлар саломини кўпайтириш ҳамда болалар адабиётига ихтисослашган нашриётлар фаолиятини маънавий қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Ҳурматли юртдошлар! Мухтарам пойтахтимиз меҳмонлари!

Ушбу фестивалнинг асосий тадбирлари жорий йилнинг 17-19 сентябрь кунлари Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида, 18 сентябрь кунги эса «Туркистон» саройида бўлиб ўтади.

Фестиваль доирасида болаларга мўлжалланган турли жанрдаги адабий-бадий, илмий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдимотлари, таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар, совринли викториналар, болалар театрлари, республика кўғирчоқ театри артистларининг томошалари, санъат усталари ва ёш ижрочилар концертлари ташкил этилади.

Республика «Болалар китоби фестивали»га марҳамат!

Маълумот учун телефонлар — 244-12-61, 244-32-33.

БРИФИНГ

Пойтахтимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бошланди

Тошкент шаҳар ҳокимлигида шу масалага бағишланган брифинг ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Ҳусан Эрматов пойтахтимизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳақида батафсил маълумот берди.

Маълум қилинишича, Тошкент шаҳар ҳокимининг фармойиши асосида жорий йил 10 сентябрдан пойтахтимизда кўп қаватли уй-жойларни ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишларини якунлаш, худудларнинг санитар ҳолатини яхшилаш бўйича сафарбарлик бошланди.

Қайд этилишича, ҳар бир маҳаллада округ раҳбари, маҳалла оқсоқоли, тегишли Хусурий уй-жойлар мулкдорлари ширкати ва ижтимоий соҳа объектлари раҳбарлари, ком-

мунал хизмат кўрсатиш корхоналари вакиллари ҳамкорлигида гуруҳлар тузилиб, кўп қаватли уй-жой фонди ҳамда ижтимоий соҳа объектлари ҳолати яна бир марта ўрганилади. Аҳолидан тушган муножаатлар асосида аниқланган камчилик ва муаммоларни жорий йилнинг 10 октябрга қадар якунлаш белгиланган. Кўп қаватли уй-жойларнинг том ва ертўла қисмлари, кириш йўлакларини ҳолати, ижтимоий соҳа муассасаларида иссиқликни сақлаш бўйича аҳвол жамоатчилик ко-

миссиялари томонидан жойида кўриб чиқилиб, жамоатчилик далолатномалари расмийлаштирилади.

Шунингдек, брифингда коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва туман ҳокимликлари томонидан юзага келган узиллишларни тезкор бартараф этиш учун жалб қилинадиган бригадалар зарур транспорт воситалари, жиҳозлар ҳамда захира материаллари билан таъминланиши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Мавжуд камчиликларни бартараф қилиш учун «1055» рақамли марказий диспетчерлик хизматидаги ёки туман ҳокимликларида ташкил этилган штабларга муножаат қилиши мумкин.

Шаҳбоз САИДОВ

ШУКРОНАЛИК

— Юртимиз тинч бўлсин, дастурхонларимиз тўкин, рўзгоримиздан кут-барака аримасин, — дея дуога қўл очади қўшработлик юз ёшли Шарофат Ражабова.

Мустақиллигимиздан айланай...

Қўшработнинг «Оқтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қийқим қишлоғида ёши улуг инсонлар кўп. Улардан бири Шарофат момо 8 нафар фарзанд, 38 нафар невара, 67 нафар эвара бағрида умргузаронлик қилмоқда.

— «Кексаларни эъзозлаш йили» муносабати билан қишлоғимизда истиқомат қилаётган кексаларни ҳолидан хабар олиш, уларнинг сийҳат-саломатлигини доимий назорат қилиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда, — дейди «Оқтепа» қишлоқ



фуқаролар йиғини раиси Аҳмад Очилов. — 9 май — Хотира ва қадрлаш кунлари арафасида Қўшработ туман ҳокимлиги ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари фалолари билан Шарофат момо Ражабовага меҳнат фронти иштирокчиси сифатида Президентимиз томонидан таъсис этилган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва совғасалоилар тантанали равишда топширилди.

— Бу замонларга етгунча оғир дамларни бошимиздан кечирдик, — дейди онахон. — Бизнинг давримизда газ, электр чирроғи деган нарсалар умуман бўлмаган. Қора чироқда қўй жундан калава ясаб, гилам тўқирмиз. Бир бурда бир бўғ ўтин териб келгунимизча кун кеч бўларди. Барига сабр-қаноат қилганмиз. Бир бурда нон топиб, болаларимизнинг қоринини тўйдириб илинжида умримиз ўтди. Ҳозир қаранг, дангиллама иморатлар, ҳар хонадонда қўша-қўша машиналар, ҳар қанча шукр қилсанг арзийди.

Мустақиллигимиздан айланай, болаларимиз, невара-эвараларимиз эсли-хушли бўлиб вояга етгапти. Ким тер тўқиб, меҳнат қилса, кам бўлмаяпти.

Президентимиз омон бўлсин, юртимизга кўз тегмасин. Ҳаммининг хонадонида тўйу томошалар бўлсин.

Умид СОРИЕВ

ОБ-ҲАВО	12-13.09 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+14 / +19	+30 / +35
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+15 / +20	+32 / +37
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+13 / +18	+30 / +35
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+15 / +20	+33 / +38
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+13 / +18	+30 / +35
Тошкент шаҳри	
+16 / +18	+31 / +33